

БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ОЛМА ДАРАХТЛАРИНИНГ ФИТОМЕТРИК КЎРСАТГИЧЛАРИ ВА ҲОСИЛДОРЛИК МИҚДОРИ ВА СИФАТИГА КЕСИШ УСУЛЛАРИ ВА ДАРАЖАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Юнусов Рустам, доцент.қ.х.ф.н

Исмоилов Асрорбек Ўткир ўғли, Иқдиторли талаба

Бухоро давлат университети

E-mail:ismoilovasrorbek15@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада Бухоро воҳаси шароитида интенсив олма дарахтларининг ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлигига кесиш усуллари ва даражаларини таъсири ўрганилган. Тадқиқотда кесиш усуллари ва даражаларини интенсив боғларда ҳосилга кириш вақтида, ҳосилнинг ҳажми ва сифатига ижобий таъсир қилиши аниқланган.

Калит сўзлар: Бухоро воҳаси, интенсив олма боғлари, ўсуви шохлар, навлар, ўсиш, ривожланиш, ҳосилдорлиги, ҳосил сифати, самарадорлик.

Абстракт. В данном статье изучено влияние способа и степени обрезки деревьев в интенсивных яблоневых садах. Установлено, что применение способа и степени обрезки в интенсивных яблоневых садах улучшил их плодоношения, а также увеличивал урожайность, качество плодов и эффективность производство плодов.

Ключевые слова: Бухарский оазис, интенсивные сады, сорта, рост, развитие, урожайность, качество плодов, эффективность.

Abstract: In this article, the influence of the method and degree of tree pruning in intensive apple orchards has been studied. It was established that the use of the method and degree of pruning in intensive apple orchards improved their fruiting, as well as increased yield, fruit quality and fruit production efficiency.

Keywords: Bukhara oasis, intensive orchards, varieties, growth, development, productivity, fruit quality, efficiency.

Мевачилик қишлоқ хўжалигининг энг муҳим ва ўзига хос соҳасидан бири ҳисобланиб, уруғли мевали боғлар, жумладан, олма ва нокзорлар Республикализнинг 70 минг гектар майдонини ташкил этиб, ҳар йили 800 минг тонна сифатли ҳосил этиштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2006 йилдаги ПФ-3709 рақамили “Мева-сабзавотчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ва “Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида кўрсатилган тавсиялар асосида мамлакатимизда 2021 йилгача ижтимоий-иктисодий ва ишлаб чиқариш фаолияти доираларини такомиллаштириш ва барқарор ривожлантириш дастури белгилаб олинди

Юқорида кўрсатилган ушбу соҳада мева ишлаб чиқаришни кескин ошириш, сифатини яхшилаш ҳамда таннархини камайтириш асосан янги интенсив боғлар барпо қилиш ва мавжуд боғлардан юқори ва сифатли олма мевалари ҳосилини этиштириш кўзда тутилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жадаллаштирилган (интенсив) мевали боғлар барпо этилмоқда, бу боғларда мевали дaraohтларга шакл бериш ва навларнинг биологик хусусиятларини инобатга олиб, ўрганилган бўлсада, дaraohtларнинг ёшига қараб, ҳосил берувчи 3-4 шохларни йиллик ёшартириш цикли бўйича кесиш усуллари ва даражалари ҳамда муайян шакл бериштадбирлари Ўзбекистон шароитида илмий асосдаатрофлича ўрганилмаган [1.2.3.4].

Мевали дaraohtлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича агротадбирлар тизимида кераксиз, ортиқча новдаларни кесишкага аҳамиятга эга. Кўпгина тадқиқотчилар ва боғдорчилик билан шуғулланадиган мутахассис ва амалиётчиларнинг фикрлари бўйича, дaraoht танаси устки қисмини шакллантириш, мустаҳкам ва қаттиқ скелетга эришишга, унинг оптимал ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ортиқча новдаларни кесиш - дaraoht тепасида ҳосил элементларининг ҳосил бўлишини ўсуви шохларида баробар жойлашишини таъминлайди, ҳосилни сақлаб қолиш ва уларни ўсиши учун қулай шароитларни яратади, новда ва ҳосилларнинг ўсиши ривожланиб, меванинг сифати, сув ва озиқланиш тартиби яхшиланади, зааркундалар ва касалликларга ҳамда қишига чидамлилигини оширади.

Кесиш боғдорчиликда кучли таъсир этувчи энг муҳим усул ҳисобланиб, унинг мевали дaraohtларга таъсири қатор сабабларга боғлиқдир. Биринчи навбатда, кесишнинг ўзига хос усули ва даражаларига, унинг ўтказиш муддатларига, дaraoht ёши, навнинг хусусиятларига ва мевали дaraoht ҳолатига, тупроқ-иклим шароитлари ва ўтказиладиган агротехник чора-тадбирларига ва пировардида агротехниканинг бошқа усуллари билан мажмуий равишда кесишусули ва даражалари қўлланилса, йиллар давомида ҳосилни тартибга солиш ва муттасил мўл ҳосил олиш имконияти яратилади [5.6.7.].

Ўтказилган қатор тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кучсиз (узун) ёки ўрта меъёрларда мевали дараҳт шохлари қисқартирилганда, уларда пластик моддаларнинг ҳосил бўлиш жараёни юқори эканлиги аниқланган. Шохлар кучли (калта) қисқартирилганда эса ушбу кўрсаткичлар паст бўлган. Уларнинг ўсиш жараёнини кўпроқ жадал тартибга солишида шохларни калта қирқиши орқали дараҳтларда пластик моддаларнинг кам сарфланишига эришиш мумкин.

Мазкур илмий тадқиқот ишлари 2021-2022 йиллар давомида Бухоро вилояти, Бухоро туманида жойлашган “Амин Ҳаёт боғи” фермер хўжалигига ўтказилди. Бухоро вилояти чўл зонасида жойлашган бўлиб, тупроқнинг ҳосил бўлиши жазирама ва қуруқ иқлим шароитида ўтади ва

Бухоро вилоятининг иқлими кескинконтинентал ҳисобланади: бир йилда ўртача 125-175 мм ёғингарчилик бўлиб, асосан баҳор фасли бошида, кузнинг охирида ва қишидакузатилади. Иссик қуёшли кунлар 240 кунгача давом этади, шу даврда ҳавонинг ўртача ҳарорати 26-30⁰C ни ташкил қиласди. Энг иссиқ кунлар ёз ойида кузатилиб, ҳавонинг кундузги ҳарорати то 38.7-46.2⁰C даража ва ундан хам юкорихаво ҳарорати июннинг охири – июлнинг бошида бўлади. Қиши қуруқ ва совук: январда ўртача ҳарорат 4.0⁰C дан - 13⁰C гача этади. Ўртача ҳавонинг нисбий намлиги 40-60% ни ташкил этади.

Бухоро вилоятида сугориладиган ерларнинг умумий майдони 274,9 минг га дан иборат бўлиб, улардан экиладиган ер майдони – 276,0 минг га, сугориладиган ерларнинг умумий майдонидан 2,4%и вилоятнинг чўл зоналарида жойлашган қумли ва яйловли қумли тупроқлар эгаллайдилар. 0,7% и тақирлардан иборат бўлиб, 5,6%и тақирли яйловлар ва 91,3% и яйловли тупроқларн ўз ичига олади.

Олма дараҳтларни шох-ўаббасини ижобий кесиш учун қуидаги вазифалар бажарилади:

-ўсаётган шохларда кесиш усули ва даражасига боғлиқ равища дараҳтларнинг ўсиш ва ҳосил беришнинг асосий кўрсаткичларини ўрганиш;

- кесиш усули ва даражасига боғлиқ холда дараҳт танасидаги ёруғлик ва соғ фотосинтез унумдорлигини аниқлаш;

-дараҳт шох-шаббаларида генератив органларининг шаклланиш ва жойлашиш хусусиятларини хамда ҳосил ва меваларнинг сифатини аниқлаш.

Ўрганилган олма навларининг умумий дараҳтлар буйича барг юзаси ва қуруқ модда тўплаши юзасидан А.А.Ничипаровичнинг (1961) «қирқим» усули билан аниқланди.

Қуёш нурларини дараҳт шох-шаббалари қисмларида тақсимланиши люксметр Ю-16 ёрдамида, барвлар оптималь ҳажмига эга бўлган даврда, яъни

15.06-16.06, кун давомида соати 8⁰⁰, 12⁰⁰, 15⁰⁰, 18⁰⁰ да очик майдонга нисбатан ўлчанади. Ёруғлик дарахт танасида кун давомида ўртача 60-80%ни ташкил қилди.

Дарахт танасининг устки қисмида жойлашган новдаларига кесишнинг таъсири унинг кесиши даражаси ва усулига, нав хусусиятлари га, яшашмуҳитига ҳамда агротехник парваришлиш даражаларига бевосита боғлиқ. Мевачилик амалиётидан маълумки, фақат маъёрий даражада ҳар йили юқори сифатли ўсувчи ва ҳосил берувчи новдалар билан таъминлайдиган кесиши усули қўлланилган дарахтлар узоқ вақт давомида ўз унумдорлигини сақлаб қолиш қобилиятига эгадирлар. Ўсиш қобилиятини йўқотган дарахтларда уларга хос бўлган даврий ҳосил бериш ҳодисалари билан бирга, одатдаги ҳосилли йиллардан кейин қишига нисбатан чидамлилиги пасайиши кузатилади [8.9].

Кесиши тадбири – мева дарахтларининг ўсиши ва ривожланишига кўпроқ таъсири этувчи агротехник усулларидан биридир.

Интенсив боғларнинг ривожланиши ва доимий равишда улардан юқори сифатли ҳосил етиштириш учун қуидаги юқори талаблар амалга оширилиши назарда тутилади. Олманинг юқори, маҳсулдор пайвандтаг навларнинг комбинацияларидан фойдаланиш, камгабаритли олма дарахти танасини шакллантириш, юқори агротехник тадбирларни қўллаш фонида гектарига ниҳолларни зич жойлаштириш ҳамда кесиши усули ва даражаларига қатъян амал қилиш лозимлиги уқтирилади. Тўғри ва аниқ қилиб бажарилган кесиши усуллари дарахтнинг шаклланишини тезлаштиради, уларнинг эрта ҳосилга киришини таъминлаб, яшаш даврида юқори ва мутассил мўл ҳосил олиш имкониятини яратиш билан бирга, меванинг сифатини яхшилайди.

Бошқа кўп йиллик дарахтлар каби олма дарахтида ҳам, унинг ўсиш жараёнида қутбланиш мавжудлиги маълум: ўсиш нуқтасининг энг юқори куртагидан бир йиллик шохларда тик ўсувчи энг кучли новда ҳосил қиласи. Пастда жойлашган икки ён куртакларидан, бир ёки бир нечтакучиз ўсувчи новдалар ҳосил қилиб, уларнинг ўсиш қобилиятини кучсизлантиради, қайсики энг юқориги кучли новдалардан тортиб, то пастги хивчин ёки найзага ўхшаш майда шохчаларгача.

Шунингдек, ҳосил бериш учун қолдирилган 3-4 йиллик, циклик ўриндош ва ёшартирувчи ҳамда меъёрлаштрувчи кесиши усули ва даражалари қўлланилган варианtlарда бир йиллик новдалар ўсишининг биометрик кўрсаткичлари яхши бўлиб, юқори ва сифатли ҳосил олиш учун етарлидир. 2021-2022 йиллар давомида 3-4 йилда ҳосил бериб бўлган шохларни ёшартириш мақсадида олма дарахтининг бир йиллик новдалар сони Голден Делишес навида 9-28% га, Ренет

Симиренкода 9-21% ва Первенец Самарканда навида 10-27%гача камайгани кузатилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, олма дараҳтларини ҳосилдорлиги 18-30 ц/га ошиди, меваларни сифат кўрсаткичи кескин яхшиланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Артикова Х.Т., Юнусов Р.Ю., Салимова Х.Х., Климатические условия и растительность субтропические условия и растительность субтропической теплой и жаркой пустыни. ВКН.: Проблемы рекультивации отходов быта промышленность и сельскохозяйственного быта, 215,217,222 стр.
2. Yunusov R. Ganiyeva F.A. (2021) Studying the different formations of apple trees in intensive orchards//. CENTRAL SCIENTIFIC PUBLICATIONS (buxdu.uz), 6(6).] In Rus].
3. Ganiyeva F.A. (2021). ECONOMICAL. INNOVATIVE BASIS FOR THE CARE OF INTENSIVE STUDENT APPLE VARIETIES// CENTRAL SCIENTIFIC PUBLICATIONS (buxdu.Uz), 6(6). Извлечённощерезы://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/3375
4. Yunusov R. Ganiyeva F.A. (2021). Growth and development of vegetatively propagated rootstocks of apple trees depending on planting dencity//Capital of Science".)]In Rus].
5. Atayeva Z., Yunusov R., Nazarova S., Ganiyeva F.A. (2020). INFLUENCE OF CULTIVAR COMBINATIONS AND SEEDLING THICKNESS ON THE FORMATION OF PHYTOMETRIC INDICATORS ANDPRODUCTIVITY OF PER TREESS IN INTENSIVE ORCHARDS.//
6. Ganiyeva F.A. "GROWN AND FRUITTING OF PEACH TREES IN IRRIGATED GARDENS DEPENDING IN THE CROWN DESIGH//. CENTER FOR SCIENTIFIC PUBLICATIONS)]In Rus].
7. Ganiyeva F.A. "IMPACT OF SOUL SALINATION ON THE ECOLOGICAL STATE OFIRRIGATED LANDS AND PHYSIOLOGICAL PROCESSES OCCURING IN PLANTS.//CENTER FOR SCIENTIFIC PUBLICAIONS (buxdu.uz.) 6.6 920210.]In Rus].
8. Ganiyeva F.A. Dependences, growth, development and fruiting of apple trees, depending on the method and degree of pruning in the conditions of the Bukhara region. //CENTER FOR SCIENTIFIC PUBLIKATIONS (buxdu.uz.) 6.2 (2020.)]In Rus].
9. Ganiyeva F.A. "Protection of orghards from pests and diseases of intensive prghards in the Bukhara region" //CENTER FOR SCIENTIFIC PUBLIKATIONS (buxdi.uz) 6.6 (2021). JOURNAL.]In Rus].